
8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги муносабати билан Данғара туманида маънавий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда туман сектор раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, корхона ва ташкилот, муассаса раҳбарлари ҳамда мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилди ва туман ҳокими йиғилганларни ва улар орқали бутун туман халқини байрам муносабати билан табриклади. Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан янгиланган Конституциямиз мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар берилди.

Байрам дастури давомида 27-сонли мусиқа мактаби ўқувчилари ҳамда маданият бўлими томонидан тайёрланган концерт дастури билан давом этди.

2024-12-07 10:30:33